

**ЯШИЛ ХУДУДЛАРНИ КЕНГАЙТИРИШДА СУВ
РЕСУРСЛАРИДАН ҚАЙТА ФОЙДАЛАНИШНИНГ ХУҚУҚИЙ
МАСАЛАЛАРИ**

Мирзаабдуллаева Матлуба Рустамовна
ТДЮУ Экология ҳуқуқи шўъбаси доценти, ю.ф.н.

***Аннотация.** Мазкур илмий мақолада Ўзбекистон Республикасида яшил ҳудудларни кенгайтиришда сув ресурсларидан қайта фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари ва амалий муаммолари таҳлил қилинади. Хусусан, сув танқислиги шароитида оқова ва техник сувларни қайта ишлатишнинг экологик-ҳуқуқий аҳамияти, соҳага оид миллий қонунчиликнинг мазмуни ҳамда ривожланган давлатлар тажрибаси ўрганилади. Муаллиф томонидан яшил ҳудудларни сугоришда қайта фойдаланиладиган сув ресурслари билан боғлиқ ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.*

***Калит сўзлар:** яшил ҳудуд, сув ресурслари, қайта фойдаланиш, экологик хавфсизлик, сув қонунчилиги, оқова сув, барқарор ривожланиш, экологик ҳуқуқ.*

Бугунги кунда дунё миқёсида иқлим ўзгариши, чўлланиш ва сув ресурслари танқислиги глобал экологик муаммолардан бирига айланмоқда. Айниқса, Марказий Осиё минтақасида сув ресурсларининг камайиб бориши яшил ҳудудларни сақлаш ва кенгайтириш масаласини долзарб этиб қўймоқда.

Ўзбекистон Республикасида сўнгги йилларда экологик барқарорликни таъминлаш, “Яшил макон”ларни кенгайтириш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида эътироф этилмоқда. Республикамізда Ўзбекистон Президентининг 30.12.2021

йилдаги “Республикада кўкаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш, дарахтлар муҳофазасини янада самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-46-сон фармони¹ билан дарахтзорларни кўпайтиришга қаратилган «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси амалга оширилмоқда. Ушбу фармонда “дарахтларни суғориш тизимини қайта кўриб чиқиш, унинг самарали фаолиятини таъминлаш” масаласи ҳам кўзда тутилган бўлиб, бу бежиз эмас. Сув ресурслари тақчиллиги кучайиб бораётган шароитда сувни тежаш ва унинг исрофгарчилигини камайтириш орқали сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш олдимизда турган энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Кўкаламзорлаштиришда тозаланган **оқова сувлардан** фойдаланиш — ресурсларни тежаш, сув таъминотини барқарорлаштириш ва экологик самарадорликни ошириш учун жуда қулай имконият. Бу яшил ҳудудларни суғоришда анъанавий ичимлик ва суғориш сувидан камроқ фойдаланиш ёки бутунлай воз кечиш имконини беради. Бу усул сув танқислиги шароитида самарали ҳисобланади. Ўз навбатида оқова, техник ва қайта ишланган сув ресурсларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий механизмларини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Сув ресурсларидан қайта фойдаланиш деганда фойдаланилган сувларни маълум технологик қайта ишлашдан сўнг қишлоқ хўжалиги, саноат, коммунал хизматлар ёки яшил ҳудудларни суғориш мақсадида такроран ишлатиш тушунилади.

Мазкур тизимнинг асосий мақсади:

- ✓ ичимлик суви сарфини камайтириш;

¹ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 30.12.2021 й., 06/21/46/1230-сон; 13.06.2023 й., 06/23/92/0366-сон; 03.01.2024 й., 06/24/221/0003-сон; 04.10.2024 й., 06/24/149/0772-сон; 25.12.2024 й., 06/24/226/1060-сон; 28.12.2024 й., 06/24/227/1089-сон; 20.05.2025 й., 06/25/87/0451-сон; 02.06.2025 й., 06/25/90/0486-сон.
<https://lex.uz/uz/docs/5801444>

- ✓ экологик хавфсизликни таъминлаш;
- ✓ сув ресурсларини тежаш;
- ✓ урбанизация шароитида яшил ҳудудларни сақлаш;
- ✓ барқарор ривожланиш мақсадларига эришишдан иборат.

Яшил ҳудудларни суғоришда қайта фойдаланиладиган сувлар экологик ва санитария талабларига жавоб бериши лозим. Шу сабабли мазкур муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимизда ҳам сув тақчиллигини олдини олишга қаратилган чора тадбирлар доирасида оқова сувлардан фойдаланиш масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11 сентябрь 2023 йилдаги ПФ-158-сон фармони билан тасдиқланган «Ўзбекистон — 2030» стратегиясида² оқова сувлар билан ишлашни ривожлантириш режалаштирилди. Президентининг 30 январь 2025 йилдаги «Ўзбекистон — 2030» стратегиясини «Атроф-муҳитни асраш ва «яшил иқтисодиёт» йилида амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисидаги ПФ-16-сон фармони³ билан тармоқ ва соҳаларнинг уйғун «яшил трансформация»сини амалга ошириш ва иқтисодий ўсишнинг янги «яшил ривожланиш» моделига ўтиш мақсадлари белгиланди. Маҳаллаларнинг экологик қиёфасини яхшилаш, кўчаларда яшиллик даражасини ошириш, экологик жиҳатдан қулай ва фаровон яшаш муҳитини шакллантириш борасидаги мақсадлардан бири сифатида ёмғир ва оқова сувлардан самарали фойдаланиш кўзда тутилди.

² Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.09.2023 й., 06/23/158/0694-сон; 29.12.2023 й., 06/23/214/0984-сон; 21.03.2025 й., 06/25/51/0261-сон; 26.03.2025 й., 06/25/56/0274-сон.

³ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 09.02.2025 й., 06/25/16/0119-сон; 21.03.2025 й., 06/25/51/0261-сон; 03.05.2025 й., 06/25/74/0404-сон; 12.05.2025 й., 06/25/84/0432-сон; 20.05.2025 й., 06/25/87/0451-сон; 02.06.2025 й., 06/25/90/0486-сон; 15.08.2025 й., 06/25/130/0762-сон.

Бугунги кунда Ўзбекистонда сув ресурсларидан қайта фойдаланиш билан боғлиқ айрим ҳуқуқий муаммолар мавжуд:

амалдаги қонунчиликда қайта фойдаланиладиган сувларнинг ҳуқуқий мақоми, улардан фойдаланиш стандартлари ҳамда мониторинг тизими тўлиқ тартибга солинмаган;

қайта ишланган сувларнинг хавфсизлик мезонлари бўйича ягона стандартлар тизими такомиллаштиришни талаб этади;

сув хўжалиги, экология ва санитария органлари ўртасида ваколатларнинг аниқ тақсимланмаганлиги амалиётда айрим муаммоларни юзага келтирмоқда;

қайта фойдаланиладиган сувларнинг сифати ва сарфини мониторинг қилиш бўйича рақамли платформалар етарли даражада шаклланмаган.

Ривожланган давлатлар тажрибаси сув ресурсларидан қайта фойдаланиш тизими экологик хавфсизликни таъминлашда муҳим восита эканлигини кўрсатмоқда. Масалан, Исроилда оқова сувларнинг катта қисми қишлоқ хўжалиги ва яшил ҳудудларни суғоришда фойдаланилади. Сингапурда “NEWater” технологияси орқали сув ресурслари қайта ишланади, БАА ва Саудия Арабистонида техник сувлар яшил ҳудудларни сақлашда кенг қўлланилади.

Мазкур тажрибалар Ўзбекистонда ҳам сув ресурсларини қайта ишлатиш бўйича алоҳида ҳуқуқий механизмларни ривожлантириш зарурлигини кўрсатади. Мамлакатимизда оқова сувларни тозалаб қайта ишлатиш технологияларини қўллашда хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганишга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Япония ҳукумати томонидан молиялаштирилган ва БМТ Тараққиёт дастури ҳамда Ўзбекистон

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамкорлигида Қорақалпоғистонда қўлланилаётган Жоқасо технологияси тозалаш тизими оқова сувни хавфсиз ҳолга келтириб, уни қишлоқ хўжалигида қайта фойдаланиш имконини бермоқда. 2025 йил март ойидан июл ойигача Қорақалпоғистондаги учта Жоқасо тизими орқали 16 400 куб метр оқова сув тозаланган. Бу эса 12–13 гектар ер майдонини суғоришга етарли сув захирасини англатади. Ушбу тизм иқтисодий жиҳатдан қулай бўлиб, қиммат қурилишларнинг олдини олиб, муассасалар ва оилалар учун молиявий енгиллик яратди. Япония, БМТТД ва Ўзбекистон ҳукумати ҳамкорлиги орқали бу тажриба мамлакатнинг бошқа сув танқислигига дуч келаётган ҳудудларида ҳам кенг жорий этилиши режалаштирилган.

Яшил ҳудудларни кенгайтиришда сув ресурсларидан қайта фойдаланиш тизимини ривожлантириш мақсадида қуйидаги таклифларни илгари суриш мумкин:

- Сув кодексига қайта фойдаланиладиган сувлар тушунчаси ва улардан фойдаланиш тартибини киритиш;
- қайта ишланган сувлар учун экологик ҳамда санитария стандартларини ишлаб чиқиш;
- яшил ҳудудларни суғоришда техник сувдан фойдаланишни рағбатлантирувчи иқтисодий механизмларни жорий этиш;
- рақамли мониторинг ва GIS тизимларини кенг жорий этиш;
- давлат-хусусий шериклик асосида сувни қайта ишлаш инфратузилмасини ривожлантириш;
- экологик-ҳуқуқий назорат механизмларини кучайтириш.

Хулоса қилиб айтганда, сув ресурсларидан қайта фойдаланиш яшил худудларни кенгайтириш ва экологик барқарорликни таъминлашнинг муҳим ҳуқуқий ҳамда экологик механизмларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон шароитида сув танқислиги ва иқлим ўзгариши шароитида яшил худудларни суғоришда қайта ишланган сув ресурсларидан фойдаланиш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланиши зарур. Мазкур жараён нафақат сув ресурсларини тежаш, балки санитария-эпидемиологик хавфсизликни таъминлаш, иқлим ўзгаришининг салбий оқибатларини юмшатиш, аҳоли учун қулай экологик муҳит яратиш ҳамда барқарор ривожланиш мақсадларига эришишга ҳам хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан, оқова сувлардан қайта фойдаланиш муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш, ушбу соҳада экологик стандартлар ва мониторинг механизмларини такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Бу эса соҳага оид норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштиришни, рақамли мониторинг тизимларини жорий этишни ҳамда экологик хавфсизлик талабларини кучайтиришни тақозо этади. Мазкур ёндашувлар сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, яшил худудларни кенгайтириш ва аҳолининг экологик фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 30.12.2021 й., 06/21/46/1230-сон; 13.06.2023 й., 06/23/92/0366-сон; 03.01.2024 й., 06/24/221/0003-сон; 04.10.2024 й., 06/24/149/0772-сон; 25.12.2024 й.,

06/24/226/1060-сон; 28.12.2024 й., 06/24/227/1089-сон; 20.05.2025 й.,
06/25/87/0451-сон; 02.06.2025 й., 06/25/90/0486-сон.
<https://lex.uz/uz/docs/5801444>.

2. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.09.2023 й.,
06/23/158/0694-сон; 29.12.2023 й., 06/23/214/0984-сон; 21.03.2025 й.,
06/25/51/0261-сон; 26.03.2025 й., 06/25/56/0274-сон.

3. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 09.02.2025 й.,
06/25/16/0119-сон; 21.03.2025 й., 06/25/51/0261-сон; 03.05.2025 й.,
06/25/74/0404-сон; 12.05.2025 й., 06/25/84/0432-сон; 20.05.2025 й.,
06/25/87/0451-сон; 02.06.2025 й., 06/25/90/0486-сон; 15.08.2025 й.,
06/25/130/0762-сон.